

Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «19» Март

№ 609и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Бобожонов Рўзимбойнинг  
турар жой биносига бўлган эгалик  
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида яшовчи фуқаро Бобожонов Рўзимбойнинг “Тўпчи” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 6 февралдаги ХО-Б-388-сонли аризасини, “Тўпчи” маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 4 февралдаги 486-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**


1. Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида жойлашган 7 (етти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 71,43 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 119,55 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 190,98 квадрат метр, қурилиш ости майдони 334,11 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Бобожонов Рўзимбойга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Бобожонов Рўзимбойга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Бобожонов Рўзимбойга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**О.Холбоев**